ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ” КАФЕДРАСИ

«5141600-Бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш »

БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШИ УЧУН

“Мехнат ва унинг методикаси”
ФАНИДАН

«Когоз билан ишлаш» мавзусидаги амалий машгулотга услубий ишланма

Тузувчи: Мадаминова Я.С.

Урганч-2011й

**Амалий машғулотнинг технологик модели**

| | |
|---|---|
| **2-мавзу: Қоғоз билан ишлаш**<br>Машғулот вақти: Соат $10^{30}$-$11^{50}$ | Талабалар сони: 31 |
| Машғулот шакли | амалий |
| Машғулотнинг режаси | 1.Қоғозни буклаш ва кесиш усуллари: Қоғозни 2,4,8,6 қисимларга буклаш ва бурчаклар ҳосил қилиш |
| | 2. Қоғозни мураккаб усулларда буклаб макетлар ясаш. Қоғозни оддийдан мураккаб усулда буклаб, буклаш чизиқлари ва бурчаклар ҳосил қилиш. Шу буклаш чизиқлари оркали макетлар ясаш/. |
| | 3. Қоғоздан мозайка ишлари . |
| Ўқув машғулотининг мақсади | талабаларнинг Қоғозни буклаш ва кесиш усуллари: Қоғозни 2,4,8,6 қисимларга буклаш ва бурчаклар ҳосил қилиш Қоғозни мураккаб усулларда буклаб макетлар ясаш. Қоғозни оддийдан мураккаб усулда буклаб, буклаш чизиқлари ва бурчаклар ҳосил қилиш. Шу буклаш чизиқлари оркали макетлар ясаш, Қоғоздан мозайка ишлари тўғрисидаги билимларини ривожлантириш. |
| Педагогик вазифалар:<br>-қоғоз ва картон билан ишлаш асбоб ускуналари тўғрисида билимлар бериш<br>-қоғоз ва картон билан ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш<br>-қоғозни турли хил усулларда букиб макетлар ясаш тартибини ўргатиш;<br>-қоғоз чиқиндиларидан фойдаланиб мозаика ишларини бажаришни ўргатиш | Ўқув фаолияти натижалари:<br>1.Қоғоз ва картон билан ишлаш қоидалари ҳақида билимларига эга бўладилар<br>2. қоғоз ва картон билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар<br>3.. қоғозни турли хил усулларда букиб макетлар ясаш тартибини ўрганадилар<br>5. қоғоз чиқиндиларидан фойдаланиб мозаика ишларини бажаришни ўрганадилар. |
| Таълим бериш усуллари | Мунозара, |
| Таълим бериш шакли | ингдивидуал таълим |
| Таълим бериш воситалари | Компьютер, экран, проектор,<br>слайдлар. |
| Таълим<br>бериш шароити | Ўқитишнинг техника воситалари билан жиҳозланган 411-ўқув хонаси. |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки сўров.<br>86-100% -5 баҳо<br>71-85%- 4 баҳо<br>70-56%-3 баҳо<br>• Талабанинг фаоллиги, мавзу бўйича илмий-амалий асосланган хулосаларнинг келтирилганлик, таянч тушунчаларнинг изоҳланиш даражасига қараб 25% гача<br>• Мавзунинг мантиқий асосини илмий-назарий концепциялар ҳамда амалий |

| | |
|---|---|
| | фаолият нуқтаи-назаридан ёритиб берилганлик даражасига қараб 25% гача<br>• Мавзу бўйича шахсий фикр ва нуқтаи-назарларнинг келтирилиши ҳамда уларнинг асосланганлик даражасига қараб 25% гача<br>• Мавзу бўйича ижодий-конструктив фаолият кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасига қараб 25% гача<br>**Мавзулар тақдимоти қуйидаги шаклларда амалга оширилади:**<br>• Доклад<br>• Реферат<br>• Компютер презентациялари<br>Тадқиқот лойиҳалари |

**Амалий машғулотнинг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва мазмуни | Ўқитувчи фаолияти | Талабалар фаолияти | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|
| 1-босқич. 10 дақиқа Тайёрлов. | Ўқитувчи мавзуни эълон қилади. Машғулотда қўлланиладиган амалий тартибим билан қисқача таништирилади. Амалий усуллар компьютер технологиясидан фойдаланиб тушунтириб берилади. | Талабалар индивидуал ишлаш учун тайёрланадилар. | Талабаларда келтириладиган ўқув ахборотига нисбатан кучли мотивация шаклланади, улар индивидуал амалий ишлар иш жойимни ташкил қиладилар. |
| 2-босқич. 10 дақиқа. Кириш. | Ўқув топшириғини аниқ баён қилади. 1.”турли хил усулларда букиб ишлаш бўйича видеолар намойиш қилинади.<br>2.Мавзу асосида ўз фикрларингизни шакллантиринг.<br>3.Қуйидаги саволларга жавоб беринг:<br>• Қоғозни турли хил усулларда букиб ишлашда нималарга эътибор бериш керак?<br>• Букиб ишлашда қандай шаклдаги макеталрни | Ўқув топшириғининг моҳиятини тушуниб оладилар, видео тақдимот устида таҳлилий фаолият кетма-кетлигини аниқ режалаштирадилар. Матн мазмуни билан мукаммал танишадилар. Мавзу хусусида муайян билим ва дунёқараш тушунчалари шаклланади. Матн билан мустақил ва кейинчалик ҳамкорликда ишлашга тайёр бўладилар.<br>Ўқитувчи томонидан берилган йўналтирувчи | Талабаларда таълимий фаолиятга нисбатан мотивация ривожланади, ўқув-билиш фаолиятини тўғри режалаштира дилар. Уларда таълимий мақсадлар йўлида ҳамкорликда ишлаш, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ясаш мумкин?<br>• Қоғозни букиб макетлар ясашда қоғоз сифатининг аҳамияти борми?<br>• Қоғозларни букиб илашда инсоннинг қайси жиҳатлари устун туради?<br>Ўқитувчи гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш учун ёзма тарқатма материал беради.<br>Матн таҳлили учун кетадиган вақт ҳажмини белгилайди, талабаларнинг барчаси фаолиятга жалб қилинганлигини аниқлайди ва бошлаш ҳақида эълон қилади. | саволлар мазмуни билан танишадилар, айрим тушунмовчиликларни ўқитувчидан сўраб, аниқлаб оладилар.Муаммоли саволлар хусусида фикрлайдилар. | изланиш кўникмалари таркиб топади. Қоғоз билан ишлаш бўйича букиш, иш жойини тўғри ташкил қилиш, каби тушунчалар асосида шахсий фикр, муносабат таркиб топади, талабалар фаоллашадилар. |
| 3-босқич. Амалий иш 25 дақиқа. | Талабалар фаолиятини кузатади, барчасининг таълимий фаолиятга жалб қилинганлигига эътибор қаратади, зарур холларда тўғри йўналиш бериб боради. | Ушбу босқичда улар амалий ишларни бажарадилар. Амалий ишларни бажаришда ўз ишлари учун материал, асбоб ускуналарни танлайдилар. Амалий ишларни бажариш давомида амалий кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. | Талабаларни муаммони ўрганиш жараёнида фаоллиги ошади, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожланади, қоғоз биланишлаш тушунчалар асосида касбий эътиқод таркиб топади. |
| 7-босқич. Муҳокама 20 дақиқа | Ўқитувчи талабаларга тарқатилган барча материалнинг кай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида саволлар билан мурожаат қилади ва жавобларни рейтинг баллари оркали баҳолайди. Амалий ишлшарнинг бажарилишини кузатиб хулосалар чиқаради. | Талабалар ўқитувчи ва бошқа гуруҳ аъзолари томонидан берилган саволлар хусусида фикрлайдилар. Ўз нуқтаи-назарларини кенг асослаб берадилар.<br>Талабалар бир-бирларининг ишларни кузатиб ўзларининг ва ўртоқларининг ишлари тўғрисидаги мунозарада қатнашадилар. | Талабаларда амалий ишлар устида мустақил илмий-таҳлилий фаолият юритиш кўникмалари ривожланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8-боскич. Якун. 10 дақиқа. | Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини, амалий ишларни баҳолайди, машғулотга якун ясайди, уларнинг фаолияти бўйича фикрларини билдиради, ноаниқликларни ойдинлаштиради. | Талабалар ўз фаолиятларини таҳлил қиладилар, машғулотнинг ташкил қилиниши хусусида фикрларини билдирадилар, ўз-ўзини баҳолайдиар. | Талабалар ўз имконият лари, меҳнат таълими дарсларини олиб боришга тайёргарликл ари даражасини таҳлил қиладилар. Уларда амалий фаолият малакалари ривожланади. |
| Мустақил таълим учун топшириқ 5 дақиқа | “Қоғоздан ясаладиган макетлар нинг бола тарбиясидаги аҳамияти” мавзусида реферат ёзиш. Ўқитувчи талабалар томонидан берилган саволларга жавоб беради. | Қоғоздан ясаладиган макетлар нинг бола тарбиясидаги аҳамияти” мавзусида реферат ёзишади. | Талабаларнинг мавзу юзасидан ижодий ва мантиқий тизимли фикрлаш қобилияти, манбалар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакалари ривожланади. |




**2-илова.**

**Кичик гуруҳларда ишлаш қоидалари**

- Ўқитувчи гуруҳнинг сон таркибини ҳам инобатга олиши даркор. Кичик гуруҳлар илмий-педагогик ва психологик нуқтаи-назардан 4 ёки 6 кишидан иборат ҳолда

шакллантирилади. Чунки жамоа ичидаги ҳар бир талаба учун 3 томонлама самарали мулоқот, яъни "талаба-талаба", "талаба-ўқитувчи" ва "талаба-талим воситаси

- Инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали таълим жараёнида мутахассислар тайёргарлигида юқори даражада самарали натижаларга эришиш мақсадлари кўзланганлигини эътиборга оладиган бўлсак 6 ва ундан ортиқ сонли жамоаларда айрим талабалар суст бўлиши ёки таълимий фаолиятга нисбатан мотивацияси кенг шаклланмаслиги мумкин.
- Гуруҳ таркибини аниқ белгилаш лозим. Гуруҳнинг таркиби қуйидаги бўлиши мумкин: лидер, эксперт, баённома ёзиб борувчи ва генераторлар ва катализаторлар. Кўриниб турибдики, жамаонинг ҳар бир аъзоси ўқув фаолиятига жалб қилинади. Кичик жамоа бир муаммо бўйича турли йўналишларда ўқув вазифасини бажариши мумкин.
- Ўқитувчи талабалар фаолиятини йўналтириб, уларнинг ўқув вазифаларини аниқлаштириб олади. Муҳими талаба ўзига топширилган ўқув вазифасининг моҳиятини тўла англаб олиши керак. Шундагина талаба ўз мустақил таълимий фаолиятини изчилликда матниқан тўғри режалаштира олади. Ўқув вазифаси аниқ белгиланмаган жамаоларда фаолият бирор натижани бериши қийин.

Амалий ишларни бажариш учун курсатмалар:



1-Расм



2-Расм



3-Расм



4-Расм